

1-Илова



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

Л.Н.Туйчиев

«27» февраль 2019 йил

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНING ИЛМИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгаши (кейинги ўринларда - Илмий кенгаш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлидаги “Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ- 3629 сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 июлидаги қарорига асосан ташкиллаштирилган.

Илмий кенгаш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар таёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига ҳамда “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ташкил этилади. Илмий кенгаш Тошкент тиббиёт академиясининг асосий вазифаси тиббиёт соҳаси бўйича мутахассислар ва олимлар тайёрлашда академиянинг таянчи ҳисобланади.

І. Умумий қоидалар

1. Илмий кенгаш таркиби ректор, проректорлар, илмий котиб, факультетлар деканлари, академиянинг Урганч, Фарғона ва Термиз филиаллари директорлари, бўлим раҳбарлари, кафедра мудирлари, Тошкент тиббиёт академияси ва тиббиёт йўналишидаги ташкилотларнинг йирик олим ва мутахассислари, шунингдек, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан ташкил этилади. Илмий кенгаш аъзоларининг ваколат муддати - 5 йил.

2. Илмий кенгаш таркиби ректор буйруғи билан тасдиқланади. Ҳар ўқув йилининг бошида, турли сабабларга кўра Илмий кенгаш таркибидан чиққанлар ўрнига, янги аъзолар сайланади ёки низом бўйича киритилади.

II. Илмий кенгашнинг мақсад ва вазифалари

3. Илмий кенгашнинг мақсади - академия жамоаси сай-ҳаракатлари, интеллектуал салоҳияти ва бошқа барча имкониятларни Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарорида, 2017 йил 27 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5121-сон Фармонида, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 515-сон Қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, олий таълимнинг давлат таълим стандарти талаблари даражасида мукамал билим, малака, кўникмаларга эга бўлган профессионал мутахассислар тайёрлашга йўналтиришдан иборат.

4. Илмий кенгаш:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларининг катъий бажарилишини ўрганиб чиқади ҳамда устивор масалалар бўйича тавсия ва топшириқлар белгилайди;

- факультетларнинг ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисидаги, академик лицей, илмий жамиятларнинг фаолияти тўғрисидаги, қабул комиссиясининг қабул натижалари тўғрисидаги, шунингдек маркетинг хизматининг халқ хўжалигининг битирувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, буюртмачи ташкилотлар билан

хамкорлик алоқалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ҳамда тегишли қарор қабул қилади;

- илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар режалари ижроси, профессор-ўқитувчилар таркибининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини муҳокама қилади ҳамда тегишли қарорларни қабул қилади;

- академия ривожланишининг йиллик ва истиқболий режаларини тасдиқлайди, моддий-техник таъминот ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини муҳокама қилади ҳамда тегишли қарорларни қабул қилади;

- факультет ва кафедраларни очиш, тугатиш, ўзгартириш, шунингдек маркетинг хизмати таклифларини ҳисобга олган ҳолда янги бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ёки тўхтатиш билан боғлиқ масалалар бўйича қарор қабул қилади;

- "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ профессор-ўқитувчилар лавозимларини эгаллаш учун танловлар ўтказилади;

- профессор, доцент илмий унвонини олишга интилаётган изланувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлашга тақдим этади;

- академия битирувчилари ҳамда профессор-ўқитувчиларининг инглиз тилини билишларини таъминлаш ва компьютер технологиялари, Интернетдан фойдалана олишлари бўйича таянч кўникмаларни шакллантириш масалаларини муҳокама қилади ва чора-тадбирлар белгилайди;

- таълим жараёнининг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари, шунингдек инновацион таълим технологияларини қўллашга асосланган ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш ва нашр этиш масалаларини муҳокама қилади;

- докторант (DSc), таянч докторант (PhD) ва мустақил изланувчи институтларига номзодларни тавсия этади, уларнинг шахсий режалари ва диссертациялари мавзуларини тасдиқлайди;

- иқтидорли талабалар сафидан ва профессор-ўқитувчилар таркибидан номзодларни "Истеъдод", "Эл-юрт умиди" жамғармалари орқали хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўтишга тавсия этади;

- академия иқтидорли талабалари, докторант (DSc), таянч докторант (PhD) ва мустақил изланувчилари сафидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва давлат стипендиялар танловида иштирок этадиган номзодларни тавсия этади;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси номзодлигига, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор" фахрий унвонига, Давлат мукофотларига ва бошқа мукофотларга номзодларни тавсия этади;

-Тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган ватанимиз ва хорижий мамлакат олимларига Тошкент тиббиёт академиясининг "Фахрий профессори", "Академия фахрий шифокори" унвони бериш бўйича қарор қабул қилади.

- "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда талабаларнинг жисмоний тарбияси ва уларнинг соғлиқларини янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

- асосий буюртмачи ташкилот, корхона ва муассасалар билан корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда талабаларнинг малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилади ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

- хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилади;

- академия талабалари ва ходимларининг техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгилайди;

- Тошкент тиббиёт академияси клиникаси фаолиятини таҳлил қилади, клиника ва бўлимларда кўрсатиладиган даволаш профилактик ёрдамни такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилади.

III. Илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш

5. Илмий кенгаш ўз фаолиятини ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ амалга оширади. Илмий кенгаш режаси Илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилганидан сўнг академиянинг ректори томонидан тасдиқланади.

6. Академиянинг ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий ишларга доир барча масалалар бўйича Илмий кенгаш қарорлари очиқ овоз бериш тартибида кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Илмий кенгаш мажлиси унинг таркибидаги аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

7. Профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларини эгаллаш ҳамда профессор ёки доцент илмий унвонларини бериш бўйича ўтадиган танловлар ва тақдимномалар юзасидан қарорлар ёпиқ овоз бериш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинади.

8. Илмий кенгаш қарорлари академиянинг ректори томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

9. Илмий кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар Илмий кенгаш раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади.

10. Илмий кенгаш раиси мунтазам равишда илмий кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича текширувлар ташкил этади ва Илмий кенгаш аъзоларига уларнинг натижалари ҳақида илмий котиб ахборот беради.

Киритилди:

ОТМ Кенгаш котиби

Г.А.Исмаилова

Келишилди:

Ўқув ишлари бўйича проректор

Ш.А.Боймуратов

Илмий ва инновацион

ишлар бўйича проректор

Ф.Л.Азизова

Ёшлар ва иқтидорли талабалар

билан ишлаш бўйича проректор

Т.А. Бобомуратов

Даволаш факультети декани

Б.Т.Холматова

Тиббий педагогика факультети декани

А.А.Хамраев

Тиббий профилактика факультети декани

Ф.И. Саломова

ОМХ факультети декани

Ш.Х.Бакиева

Малака ошириш факультети декани

Р.А.Зокирходжаев

Ҳарбий факультет декани

Д.Р.Сабилов

Ички назорат ва мониторинг

бўлими бошлиғи

Ў.М. Миршарапов

Магистратура бўлими бошлиғи

А.А.Имамов

Илмий ва илмий педагогик кадрлар

таёрлаш бўлими бошлиғи

Р.Ж.Матмуродов